

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР
халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
ТЎПЛАМИ**

2021 йил 26-27 март



Бухоро

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва
истиқболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари
ТЎПЛАМИ**

Бухоро - 2021

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет

Масъул муҳаррирлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори, доцент

Таҳрир хайъати:

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ғ.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

Тақризчилар:

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна – ф.ф.д., профессор

Қаршибаева Улжан Давировна – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпلامда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

Яна унда ширин болакай Самарқанд олмасига, Тошкент анорига ўхшатилиб, Шероздан келганми деб гумон қилинмоқда. Келажакда унинг Бухорога бориб илм олиши ҳам билдирилмоқда.

Эркаламанинг:

У шохдан ҳатласин, упайла,
Бу шохдан ҳатласин, упайла, –

мисраларида тарсеъ, яъни биринчи ва иккинчи мисрадаги ҳар бир сўзнинг ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилиб келатгани кузатилмоқда.

Ариқ бўйига ҳачча, упайла,
Ўйнайди саккиз бачча, упайла, –

мисралари параллелизм – табиат ва ҳаёт воқелигининг ёнма-ён, параллел келтирилишидан тузилган.

Элга элак бўлайми?

Элга хизмат қилайми? –

байтида “э” ҳарфи асосида шаклланган аллитерация (тавзе) санъати билан бир қаторда тажохули орифона, яъни жавоби талаб қилинмайдиган риторик сўрок намоён бўлаётир.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё худудидан ёзиб олинган ўзбек тилидаги фольклор намуналарида баъзан тожикча, аксинча, тожик тилидаги фольклор намуналарида эса баъзан ўзбекча сўз ва бирикмаларнинг иштирок этаётганлиги иккала халқ ўртасидаги ўзаро маданий-маиший яқинликнинг ўзига хос ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу худудда салмоқли микдордаги ўзбек ва тожик фольклори мавжуд. Эътиборлиси, иккала халқнинг яқинлиги уларнинг тили орқали ҳам сезилади.

Адабиёт:

1. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
2. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
3. Қодиров Р., Аҳмадов Р. Фолклори тоҷикони водии Қашқадарё. Ҷилди 3. – Душанбе: Амри илм, 2000.
4. Косон туманидаги Регзор қишлоғида яшовчи Абидова Анварадан ёзиб олинган

КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИНING ФАНЛАРАРО МАҚОМИГА ИЛМИЙ НАЗАР

ф.ф.ф.д.(PhD) Атабоев Нозимжон Бобожон ўғли
ўқитувчи, БухДУ

Abstract. The following article deals with the theoretical problems related to the specification of corpus linguistics. In order to gain the exact data regarding the above-mentioned issue, the differences between the corpus linguistics and the spheres, which are absolutely close to it, have been clarified. For example, mathematical linguistics, quantitative linguistics, applied linguistics and computational linguistics are compared

with the corpus linguistics in terms of their object and subject including the scientific problems they deal with.

Key words: corpus linguistics mathematical linguistics, quantitative linguistics, applied linguistics, computational linguistics.


Кириш

Корпус лингвистикаси (КЛ) тушунчасига тўхталишдан олдин корпус терминининг назарий изоҳланиши муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, корпус – бу корпус тузувчининг прагматик мақсадидан келиб чикиб, қатъий тамойиллар асосида шакллантириладиган ва таснифланадиган, репрезентативлик мезонига жавоб бера оладиган, сараланган, етарли ҳажмдаги лисоний матнлар (оғзаки ва ёзма) тўплами бўлиб, ўзида қайта ишлаш, теглаш каби принципларни мужассамлаштирган, асосан компьютер ёрдамида жараёнларни автоматлаштирадиган мукамал тизимли қидирув, ҳаволали натижа ва эмпирик таҳлилга қулай миқдор ҳамда изчилликка эга базадир.

Асосий қисм

КЛ – лисоний корпусларни яратиш ва уларнинг татбиқи билан шуғулланувчи тилшунослик соҳасидир. КЛ хусусида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, соҳани бошқа ўхшаш тушунча ва тармоқлар билан чалкаштириш кўзга ташланади. Хусусан, КЛни квантитатив, компьютер, математик ва амалий лингвистика каби тармоқларнинг таркибий қисми ёки улар билан маълум маънода фарқланмайдиган тушунча сифатида қарашлар Б.Б. Базарова ва **А.Д. Майорова** нинг мақолаларида учрайди.

Юқорида номлари келтирилган соҳалар ва КЛ ўртасидаги фарқларни аниқроқ планда кўриш мақсадида қуйидаги чизма келтирилган.



1- расм. Тилшунослик ва унга алоқадор соҳалараро муносабат шакллари

Чизма орқали ўзаро яқин лисоний изланиш соҳаларининг муносабати хусусида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Квантитатив лингвистика ва корпус лингвистикаси тилшунослик соҳалари бўлиб, тўғридан-тўғри унинг муаммоларини ечишга йўналтирилган тармоқлардир. R. Köhler., N.L. Biggs, A. Pawłowski ва бошқалар квантитатив лингвистикани лингвистиканинг тармоғи сифатида эътироф этишган. Квантитатив лингвистика

статистик методлардан фойдаланади, унинг асосий мақсади – тил амал қиладиган қодалар орқали тил фаолияти хусусидаги бир бутун ўзаро алоқадор қонуниятларидан ташкил топган умумий тил назариясини шакллантиришдан иборат. КЛнинг таърифи хусусида қуйида батафсил тўхталлинади.

2. Математик лингвистика ва компьютер лингвистикаси эса тилшунослик билан ўзаро алоқадор тармоқлар сифатида унинг муаммоларини ечиш учун математик ва техник таъминот ишлаб чиқишни мақсад қилишган. Математик лингвистика сунъий интеллект яратишга асос бўлган тушунчалардан бўлиб, ХХ асрнинг 50-йилларида АҚШда пайдо бўлди ва илк бор журналларни автоматик таржима қилиш учун қўлланилган. В.П. Фоменко ва Т.Г. Фоменко, А.А. Макаров, А.С. Романов ва Т.В. Батура тадқиқотларида математик лингвистика (МЛ) автоматлаш-тирилган таржима ва сунъий онг яратишини таъкидлашган. А.Н. Баранов (1987), Э.В. Попов, В.П. Захаров, А.В. Зубов ва А.Н. Баранов (2001) компьютер лингвистикаси МЛнинг тармоғи деб қарашган, МЛнинг мақсадидан келиб чиқиб, техник (праграмма ва қурилма) таъминотлар яратишга қаратилган изланишларни қамраб олишини таъкидлашган. Н.Барановнинг фикрича, «Компьютер лингвистикаси – компьютер технологиялардан тил фаолиятларини моделлаштиришда маълумотлар йиғиш, саралаш ва кенг қўламда фойдаланишдир. Муаммоли вазиятларга кўра, тилнинг компьютер модели нафақат тилшуносликда, балки у билан чамбарчас боғлиқ бўлган фанларда ҳам қўллаш назарда тутилади».

3. Тўрт соҳанинг ўзаро ривожланиш даврийлигига кўра, диахроник кетма-кетликда жойлаштирилган. Улар бир-бирининг ютуқларидан фойдаланади ва изланишларнинг аниқ кўрсаткичларга таянишини таъминлайди.

4. Амалий лингвистика – Фарбда «Applied Linguistics» номи билан тарқалган соҳа сифатида компьютер қурилмаларидан фойдаланишдан манфаатдор барча соҳаларни қамраб олади ва юқоридаги тўрт соҳа билан ўзаро бир томонлама алоқага киришади. Бу термин хориж ва ўзбек тилшунослигида лингводидактика тармоғи сифатида қаралади. Амалий лингвистиканинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти 1948 йили «Language learning: A journal of Applied linguistics» журналида илк бор чоп этилган. Амалий лингвистика структурал ва функционал лингвистика қарашларини ўзида акс эттириб, тўғридан-тўғри чет тилларини ўқитишда ҳамда баъзи ҳолларда она тили саводхонлигини оширишда ҳам қўлланади М. МкКартий ва С. Ж.Брумфитларнинг фикрига кўра, амалий лингвистика муаммога йўналган соҳа бўлиб, фарқловчи жиҳат – лингвистиканинг назарияга йўналганлигидир.

5. КЛни лингвистиканинг мустақил соҳаси сифатида қараш асослидир. Бироқ КЛ ўз ривожда математик лингвистикадан лисоний ҳисоб-китобларга керакли формулаларни, квантитатив лингвистикадан миқдорий кўрсаткичларни келтириб чиқариш ва улардан хулоса чиқариш учун асосли алгаритмларни олса, компьютер лингвистикасидан автоматлаштирилган компьютер программалари ва қурилмаларини олади ҳамда ўз ютуқларини лисоний изланишларга қаратган ҳолда натижаларини амалий лингвистика билан тил ўқитиш жараёнида қўллаш учун бўлишади.

Хулоса

Бизнингча, КЛга тилшуносликнинг семантика, синтаксис, социолингвистика ва шу каби бўлимлари сифатида қараш ноўрин, уни изоҳ ва тасвирлашни талаб этмайдиган методология дейиш мумкин. Бу методологияни тилшуносликнинг биргина соҳаси билан чегараланиб қолмайдиган, балки ҳар қандай лисоний изланишларда қўллаш имконияти мавжуд илмий-тадқиқот методларига эга методология сифатида қараш ўринли. КЛ ҳақида билдирилган фикрларни қуйидагича хулосалаш ўринли: КЛ ривожланиш босқичининг илк даврида тадқиқот методи сифатида қаралган ва уни компьютер ва математик ҳисоб-китобларга қаратилган фан тармоқларининг қисми ёки воситаси сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда ўзининг мақсад-вазифалари ва тадқиқот методларига эга методология бўлиб улгурган ҳамда кенг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Келажакда эса тез суръатда ривожланиб бораётган КЛ барча соҳадаги муаммоларга ечим топишга кучи етадиган лингвистик илмий-тадқиқот парадигмаси ёки мустақил фан сифатида баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Biggs N.L. The Roots of Combinatorics// *Historia Mathematica* 6, 1979, – 109-136 pp.
2. Köhler R. Gegenstand und Arbeitsweise der Quantitativen Linguistik // *Quantitative Linguistics / R. Köhler, G. Altmann, R.G. Piotrowski.* – Berlin: Ein internationales Handbuch. de Gruyter, 2005.
3. Koplan R.V. *The Oxford Handbook of Applied Linguistics* – Oxford: Oxford University press. 2002. – P 3
4. McCarthy M. *Issues in Applied Linguistics.* – Cambridge Un.Press. 2001. – P 4.; Brumfit C.J. *Applied Linguistics In Higher Education: Riding The Storm.* – *BAALNewsletter* 38: 1991. – P 45–46.
5. Pawłowski A. Prolegomena to the History of Corpus and Quantitative Linguistics. *Greek Antiquity.* – *Glottology* 1, 2008, – 48–54 pp.
6. Базарова Б.Б. Корпусная лингвистика и преподавание иностранных языков// *Вестник Бурятского Государственного университета* Вып. 15. – Россия: 2015. – 88-92 с.
7. Баранов А.Н. Компьютерная лингвистика // *Введение в прикладную лингвистику: учебное пособие.* – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 320 с.
8. Баранов А.Н. Категории искусственного интеллекта в лингвистической семантике. Фреймы и сценарии. – Москва: 1987. – 56 с.
9. Батура Т.В. Математическая лингвистика и автоматическая обработка текстов на естественном языке. Учебное пособие: – Москва: 2016. – С 6.
10. Зубов А.В. Информационные технологии в лингвистике / А.В. Зубов, И.И. Зубова. – М.: Академия, 2004. – 208 с.
11. Корпусная лингвистика как раздел языкознания URL: <https://myfilology.ru/177/korpusnaya-lingvistika-kak-razdel-yazykoznanija/>
12. Корпусная лингвистика: исторический и лингводидактический аспекты// *Международный научно-исследовательский журнал – Педагогические науки.* Выпуск № 5(59) Май 2017. – 42-46 с.

13. Марков А.А. Об одном применении статистического метода//Текстология.ru. URL: <http://www.textology.ru/library/book.aspx?BookId=8&textId>

14. Попов Э.В. Общение с ЭВМ на естественном языке. – Москва: Наука, 2000. – 360 с.; Захаров В. П. Информационные системы (документальный поиск) / В.П. Захаров. – Санкт–Петербург, 2002. – 188 с.

15. Романов А.С. Методика и программный комплекс для идентификации автора неизвестного текста : автореф. дис. канд. тех. наук. – Томск: 2010. – 26 с.

16. Фоменко В.П., Фоменко Т.Г. Авторский инвариант русских литературных текстов // Новая хронология Греции: Античность в Средневековье. – М.: МГУ, 1995. – 422 с

ЙОҚОРИ СИНФЛАР ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МАТН ЎҚИШНИ ЎРГАТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Эрмирзаев Аббос Вахобжонович,
ўқитувчи, НамДУ

Abstract: This article describes the stages of teaching to read country texts.

Key words: text, ethnography, single, double, competence.

Кириш. Мустақил Республикамиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий-маърифий раънақида чет тилларни мукаммал билиш давримизнинг устувор вазифасига айланди. Шу боис, ўрта умумтаълим мактабларида чет тилларни ўрганиш ва ўргатишда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлди. Айниқса, инглиз тили ўқитишда ўқиш нутқ фаолияти тури катта аҳамиятга эгадир.

Асосий қисм. Нутқ фаолият тури асосий бўғини ўқишни ривожлантиришда ўқувчи китоби муҳим восита ҳисобланади. Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари учун чет тил ўқув дастурларида тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзишга оид машқлар ҳар бир синфнинг материали сифатида санаб ўтилади.

Fly High English 9-синф дарслиги 2014 йил Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим барча тилларда олиб бориладиган мактаблар учун дарслик сифатида тасдиқланган. Дарслик 9 боб, 122 та дарсдан иборат. Ушбу дарсликда нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзувга доир материаллар етарли миқдорда берилган. Fly High English 9-синф дарслигида 18 та “Тили ўрганилаётган мамлакатга” ва 11 та Ватанимиз-Ўзбекистонга доир мамлакатшуносликка оид матнлар берилган.

“English” 10-синф дарслиги Халқ таълими вазирлиги томонидан 2017 йилда тасдиқланган. “English” 10-синф дарслиги 10 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб лексика (vocabulary), грамматика (grammar), тинглаб тушуниш (listening), ўқиш (reading), гапириш (speaking) ва ёзув (writing) бўлимларидан ташкил топган. 10-синф дарслигида ҳам 5та “Тили ўрганилаётган мамлакатга” ва 2та Ватанимиз-Ўзбекистонга доир матнлар берилган.

МУНДАРИЖА

Зарипов Б.К. Тил – маънавият кўзгуси	3
Хамидов О.Х. Тил – миллат руҳи: тилга оид анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти..	4
Ҳамраев М.М.....	7
Ибрагимова Ф.Б. Учинчи ренессансга қўйилаётган қадамлар илм-фан ютуқлари тимсолида.....	8
Ашуров Шерзод Рахимович ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ	13
Қахҳоров О.С. Чет тилларини янада мукаммал ўрганиш устувор йўналишдир.....	14
І ШЎЪБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ. МЕДИАЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР.....	16
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категориясининг функционал-семантик тадқиқи.....	21
Тешабаева Дилфуза Муминовна. Медиалингвистика: медиаматн яратилишида прагматик ёндошув	21
Б.Я.Ахмедов. Об изучении глагольных словосочетаний в узбекской школе.....	25
Акмал Шерназаров. Икки тиллилик – Қашқадарё тожик фольклорининг локал белгиларидан бири	29
Атабоев Нозимжон. Корпус лингвистикасининг фанлараро мақомига илмий назар...32	
Эрмирзаев Аббос Вахобжонович. Юқори синфлар ўқувчиларига инглиз тили дарсларида матн ўқишни ўргатишнинг мақсад ва вазифалари	36
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. График воситаларда коннотатив маънонинг ифодаланиши	39
Akhmedova Dildora Bakhodirovna, Hamidova Iroda Olimovna. Common and different aspects in a set of commentaries in dictionaries and semantic tags.....	42
Джураева Зулхумор Раджабовна. Партиитивные фитонимы в пословичном фонде русского языка	45
Шаҳодат Усмонова. Медиаматнда антистандарт ва антиэкспрессивлик формуласи: дискурсив таҳлил.....	49
Исмаилова Лайло Хондамировна. Туристик рекламанинг прагматик жиҳатдан таҳлилий хусусиятларига доир	53
Zubaydullo I. Rasulov. Approaches to the Study of Language and the Implications for Teaching a Second Language and Teaching Literacy.....	58
Заррина Сафармахматова. Паремииология медиа тилининг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида	61
Husniya Zikrillayeva, Duvlaeva Nozigul. Arab va o'zbek tilida sanoq sonlar va ularning sanalmish bilan sintaktik munosabati va atamalarning tarjiması.....	64
Ashurova Dilyaram Umarovna, Duvlaeva Nozigul Imagery allusion as a cognitive structure representing knowledge structures.....	66

Tukhtakhodjayeva Zulfiya Toxtaevna, Jabborova Gulhayo Fakhriddinovna. Methodological description of phraseological units	70
Хайдаров Анвар Аскарлович, Абдурахмонова Сидика Бахтиёровна. Перифразаларнинг узига хос хусусиятлари	74
Rakhmatova Mekhriniso Muhsinovna, Usmonov Amon Aminovich. THE IMPORTANCE OF CORPUS LINGUISTICS IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND FOREIGN LANGUAGE ACQUISITION	77
Muminova Durdona Shukhratovna. THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES	80
Safarova Xurshida Salimovna. FRANSUZ TILIDAN INGLIZ TILIGA O'ZLASHGAN SO'ZLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	83
Azimova Muhayyo Pulatjonovna, Abdullayeva Shohida Norqulovna. METALLURGIYA SOHASI TERMINLARINING FAN SIFATIDA O'RNI VA ANAMIYATI.....	85
Хайруллаева Нодира Ньматиллоевна. МЕТАФОРА ЛИСОНИЙ ТИЛ ҲОДИСАСИ ҲАМДА ТАСВИРИЙ ВОСИТА СИФАТИДА.....	88
Вохидова Ситорабону Хурматуллоевна. ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ РОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ	91
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. VOCABULARY STUDY OF THE TOURISM TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE.....	94
Muqimova Gulnora Rashidovna. FITOMORFLARNING STRUKTUR XUSUSIYATLARI.....	100
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. STUDY OF THE TERMS OF TOURISM IN ENGLISH ON LEXICAL-SEMANTIC ASPECTS	103
Sayidova Gulruh Yoqubovna. O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA TIL KORPUSIGA BO'LGAN TALAB VA EHTIYOJ	110
Муродова Дилдора Арабовна. ЦВЕТОВАЯ ЛЕКСИКА В РУССКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	115
Наврүзова Нигина Хамидовна. УРҒУНИНГ СЕМАНТИК -ГРАММАТИК ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	118
Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Bobokalonov Rajab Ostonovich, Tasheva Gulmira Isroilovna. LINGUOCULTUROLOGICAL ANALYSIS OF IMAGES-SYMBOLS OF LITERARY TEXT	120
Abdullaeva Maftuna Adizovna. MODERN LINGUISTIC METHODS IN ENGLISH TEACHING PROCESS	122
Азимова Зебинисо Юсуповна. Проблема разграничения синонимии и вариантности русских пословиц	125
Бабаев Махмуд Ташпулатович, Бабаева Васи́ла Ташпулатовна. НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА МАКОЛ, МАТАЛ ВА ИБОРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	128
Курбанова Дильбар, Туйлиева Лола Абдуллаевна. Заимствования из восточных языков в русском языке	131
Narzulloeva Lobar. Metafora lingvistik metaforologiyaning obykti sifatida	134
Насиба Абдуллаева Орзүевна. АНТРОПОНИМ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ	137